

2. Вилоят Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Худойкулов) "Navoiy viloyati toza hudud" давлат унитар корхонаси (Алдамуратов), ихтисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотлари шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиш хизмати бўйича абонентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш бўйича самарали ишлар ташкил этилишини;

аҳоли пунктлари худудидан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиш хизмати бўйича маршрутлар жадвалларини қайта кўриб чиқиб тасдиқланишини ва тасдиқланган жадваллар асосида чиқиндиларни ташишни амалга оширилишини таъминласинлар.

3. Вилоят молия бош бошқармаси (Очилов) вилоят Ғазначилик бошқармаси (Шукуров) билан биргаликда:

бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларнинг харажатлар сметасида қаттиқ маиший чиқиндиларини ташиб чиқариш харажатлари бўйича белгиланган нормативлар асосида зарур маблағларни режалаштирилишини;

"Navoiy viloyati toza hudud" давлат унитар корхонаси ҳамда ихтисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотлари билан бюджет ташкилотлари ўртасида тузиладиган тегишли шартнома шартларига кўра маблағларни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласин.

4. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 24 декабрдаги "Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тарифларни белгилаш тўғрисида"ги К-392-сонли қарори ("Дўстлик байроғи" газетаси, 25.12.2018 йил, 102-сон (3865)) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи (Мамаражабов), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси (Фармонов) ушбу қарорни "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталарида расман эълон қилинишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари У.Раззоқов ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари К.Расулов зиммаларига юклатилсин.

7. Мазкур қарор 2019 йил 15 августидан бошлаб кучга киради.

Вилоят ҳокими

К.Турсунов

